

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази
Ахборот- библиография хизмати

*Пиримқул Қодиров
таваллудининг 95 йилигига*

Умрбокий ижодкор

Эсадалик



Андижон 2023

КИРИШ

Юртимизда атоқли адіб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг қатор романлари, қисса, ҳикоя ва бадиалари кириб бормаган хонадон, унинг асарларини севиб мutoала қилмаган китобхон топилмаса керак. У қайси жанрда қалам тебратмасин, асосий ғояси миллат тақдири билан чамбарчас боғлангани адабиётшунос олимлар, мунаққидлар томонидан муносиб баҳоланганды, XX аср ўзбек адабиётини ўзининг сермаҳсул ижоди-йирик асарлари билан бойитган. У фаол шахс ва фуқаро сифатида халқнинг бугунги ҳаётидаги муҳим воқеа - ходисаларда бевосита иштирок этган бўлса, миллат тарихини теран биладиган талантли ёзувчи сифатида унинг ўтмишини бадий татқиқ этди. Шу маънода П. Қодировни битикларида турли даврларни кесиштирган ижодкор дейиш мумкин.

Пиримқул Қодировнинг носир сифатида ижодни ҳикоялар ёзишдан бошлаб, бу соҳада бир қатор бўлгулик асарлар яратган. Унинг “Қалбдаги қуёш”, “Кайф”, ”Жон ширин” сингари ҳикоялар ёзувчининг новеллистик маҳоратидан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, П. Қодиров бадиий адабиёт жамият ва халқ олдидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши керак деб ҳисоблайдиган адиллар сирасига киради. Шу боис унинг асарлари замирида ҳамиша муайян бир ижтимоий муаммо туради. Жумладан, “Қалбдаги қуёш” ҳикоясида ёзувчи ёшлар ҳаётидаги мураккабликларни ичдан кўрсатади. Муҳаббат, оила, бурч сингари юксак маънавий қадриятлар борасида қадим миллий анъаналаридан узилиш, янгиликни қўллашда шошқалоқлик инсон тақдирига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини жонли тимсоллар асосида тасвирлайди.

Асарлари ҳалқимиз қалбидан чуқур ўрин олган Пиримқул Қодиров таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан адабни ёд этиб тузилган ушбу библиографик қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Эзгуликка, тарих ҳақиқатига садоқат

Замондошлари ҳақидаги “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Эрк”, “Мерос”, каби асарлари, кўплаб публистик мақолалари, тарихий мавзудаги “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар давони” романлари билан халқимизнинг эътиборини қозонган Пиримқул Қодиров 1928 йили Тожикистон Республикасининг Ўратепа туманидаги Кенгқул қишлоғида таваллуд топди. 1951 йили Тошкент Давлат университетини тугатиб, Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтининг аспирантурасига кирди. “Абдулла Қахҳорнинг урушдан кейинги ижоди” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1954-1963 йиллар у собиқ СССР Ёзувчилар уюшмаси қошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1963-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими вазифасини бажарди.

Адаб ижодининг дебочаси “Студентлар” ҳикояси 1950 йилда талабалик йилларида эълон қилиниб, толиби илмлар ҳаёти, уларнинг ички оламини ёритади. Шундан кейин унинг “Жон ширин”, “Кайф”, “Олов” ҳикоялари, “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос” қиссалари, “Нажот” афсона қиссаси, “Саргузаштлар”, “Яйра институтга кирмоқчи” номли қисса ва ҳикоялар тўпламлари биринкетин чоп қилинади.

Адабни кенг китобхон оммасига танитган асари “Уч илдиз” романи бўлди. Асар муҳокамасига бағишлиланган йиғилишда роман хусусида қўплаб илиқ фикрлар айтилиб, Абдулла Қахҳорнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Яқин ўтмишдаги тарихий жараёнларнинг қайноқ изидан бориб 1957 йили ёзилган бу роман нафақат миллий адабиётимизда, балки собиқ иттифоқ адабиётида қатағон оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир.

Адиб қайсики мавзуларга қўл урмасин, давр, замон ва маконни асло четлаб ўтмайди. Яъни ўша давр билан боғлиқ воқеликлар унинг асарларига ўзгача рух бахш этган. Таниқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар” романи ҳақида сўз юритар экан, унда манзаралар ўзгача тасвирланганини қуидагича ифодалайди: “Қора кўзлар” да адиб юртимизнинг гўзал табиатини алоҳида жозиба билан акс эттиради. Табиат оламини у асарнинг қаҳрамони даражасига кўтарди. Пиримқул кўзга кўринган ҳар бир табиат манзарасини нималаргадир ўхшатар, алланималарга қиёслар эди. Ўша юришлардан бирида шарқираб оқаётган сув бўйида, ёввойи ўт ва лолақизғалдоқлар орасида кўзга ташланган чиройли бир дарахтни атлас кўйлак кийиб сув бўйига чиққан гўзалга ўхшатгани ҳалигача эсимда. Пиримқул ҳаётни, танлаган образларни одатдагидек бутун борлиқ зиддиятда, ҳар бир шахс ҳаётида бўлиши мумкин бўлган драматик ҳолатларда, психолого-психологик бурилишларда кўрсатади. “Қора кўзлар” психолого-психологик асар. Унда ёзувчи қаҳрамонлар психологиясига тегишли кўз илғамас бурилиш ва силжишлар билан қизиқади ва кўп ўринларда муваффақиятга эришади. Кейинчалик адиб яратган “Олмос камар” романи ҳам адибга янада катта шухрат олиб келди.

Адебининг машҳур пахтакор Мамажон Дадажоновнинг порлоқ хотирасига бағишиланган “Мерос” қиссасини ўзбек пахтакорлари меҳнатини тасвирлашдаги ўзига хос янгилик деб айтиш мумкин. Асарда пахтакорлар ҳаёти, уларнинг машакқатли меҳнати ўзининг бутун борлиғи билан реал акс эттирилган. Асадаги Ёлқин, унинг укаси Турғун, онаси, Рустам, Ўқтам, Жобир Тошбеков образлар ҳаётий ва таъсирчан бўлиб чиққан...

Нихоят, замонавий мавзудаги асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган адиб ўтган аср 60-йиллар охирига келиб зўр жасорат билан улкан ва қалтис бир мавзуга қўл урди; Темурбек наслининг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи эпик асар

устида иш бошлади. Илҳом тўла мاشаққатли ижодий меҳнат, шиҷоат самараси ўлароқ, йигирма йил ичида “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” номлари остида маҳобатли эпик асар майдонга келди.

Энг муҳими, бу асар ўқ томирини Бобур-Хумоюн-Акбар, яъни бобо-ӯғил-набира орасидаги ибратомуз муносабатлар ташкил этади. Атоқли француз тарихчи-олими Э. Ренан буюк тарихий тождорлар Бобур-Хумоюн-Акбар орасидаги оқилона ворислик жаҳон тарихида фақат бир мартағина содир бўлган нодир ҳодиса, деб таърифлайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган Темур салтанатини янги асосда қайта тиклашга мұяссар бўлди, бу билан бобокалони Темур руҳига мислсиз садоқатини намоён этди, унинг садоқатли, фидойи ўғли Хумоюн эса отаси асос солган салтанатни бало-қазолардан омон сақлаб қолди, ниҳоят набираси Акбар бу салтанатни довруғини жаҳонга ёйди. Муаллиф айни шу ибратомуз ҳодиса моҳиятини теран бадиий таҳлил этиб, улкан асар даражасига кўтарди.



“Юлдузли тунлар” муҳокамадан ўтиб нашрга тавсия этилганидан сўнг олти йил босилмай турди; ниҳоят, жонкуяр, фидойи кимсаларнинг саъий – ҳаракати туфайли у дунё юзини кўрди. Китобхонлар асарни байрамдек кутиб олди; қисқа фурсат ичида рус ва бошқа томонидан тилларга таржима этилди, танқидчилар юксак баҳоланди. Давлат

мукофоти билан тақдирланди. Романга бундай ном қўйилишига нима туртки бўлди? -деган саволга шундай жавоб берган: “Бир куни тушимда Бобур Мирзо мени тутиб қўйганмиш. Уйғониб қарасам тип-тиниқ осмонда юлдузлар чараклаб турибди. Шу куни Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ини ўйлаб ётгандим. Ўша бетакрор романнинг номига ҳамоҳанг тарзда асарни “Юлдузли тунлар” деб аташ фикри пайдо бўлди”...

Маърифатпарвар адиб Ўзбекистоннинг бадий тарихий ўтмишининг қайта яратилишига салмоқли ҳисса қўшган. 1969-1978 йилларда ёзилган "Юлдузли тунлар" романи ўзбек адабиётининг энг сара тарихий асарлари сирасига киради. Ушбу романда Мовароуннахрдек улкан давлатнинг парчаланиб кетиши, Темурийлар ўртасидаги низолар моҳирона тасвирланган, ҳамда Бобур шахсияти мукаммал тарзда очиб берилган. Ўн икки ёшида тахтга чиқишга мажбур бўлган ва бутун умр Ватан соғинчида яшаган Бобурнинг: "Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим..." дея чеккан изтироблари акс эттирилган. "Юлдузли тунлар" кўп маротаба Москвада ва Тошкентда нашрдан чиқсан, роман, шунингдек, "Халқлар дўстлиги" журналида ҳам чоп этилган. Роман ҳинд ва урду тилларига таржима қилинган. Шунингдек, қозоқ, қирғиз, қорақалпок тилларида чоп этилган. 1981 йил "Юлдузли тунлар" романи учун П. Қодировга Ҳамза номидаги давлат мукофоти топширилади.

Аввал "Юлдузли тунлар" (Бобур), кейин "Хумоюн ва Акбар" романлари билан Пиримқул Қодировни ўзбек тарихий романчилигини устоз Ойбекдан кейин янги поғонага қўтаради.

Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида адибнинг уч жилдлик танланган асарлари (1 том, "Олмос камар" романи, 1977; 2 том, "Қора кўзлар" романи, "Эрк қиссаси, 1978; 3 том, "Уч илдиз" романи, 1979) нашр қилинган. Мазкур нашриёт адибнинг "Юлдузли тунлар" романи, "Қадрим" ва "Мерос" қиссаларини ўз ичига олган уч жилдлик "Сайланма"сини ҳам босиб чиқарган. Шунингдек, "Шоҳруҳ ва Гавҳаршод" номли романни 2013 йил Шарқ нашриётида босиб чиқарилади. Ушбу романда Буюк Темурнинг фарзанди Шоҳруҳ ва унинг никоҳидаги Гавҳаршодбегим ҳаёти баён қилинади.

Адиб болакайлар севиб мутолаа қиласиган "Акромнинг саргузаштлари", "Нажот", "Яйра институтга кирмоқчи" каби қиссаларнинг ҳам муаллифи хисобланади.

Пиримқул Қодиров таржимон сифатида Л. Толстойнинг "Казаклар", К. Фединнинг "Дастлабки қувончлар", П. Толиснинг "Из", Х. Деряевнинг "Тақдир" қисса ва романларини ўзбек тилига ўтирган.

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА

Адиб бадий ижодни, таржимонликни илмий тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борди. Филология фанлари номзоди Пиримқул Қодиров узоқ йиллар илмий ходим сифатида Ўз ФА тил ва адабиёт институтида ишлади.

Пиримқул Қодиров 1990-2000 йиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фан ва маданият қўмитасининг раиси ўринbosари, раиси лавозимларида фаолият юритиб, Ўзбекистоннинг фан, адабиёт ва санъати тараққиётида жонбозлик кўрсатган.



У кўпроқ бадий асар тили, ёзувчи маҳорати муаммоларини текшириш билан шуғулланди. Олимнинг “Ўйлар” китобига кирган талай қайдлари, “Дил ва тил”, “Халқ тили ва реалистик проза”, ”Тил ва эл” тадқиқотлари унинг юксак танқидчилик истеъдодига эга эканлигидан далолат беради.

Таниқли адиб сўнгги йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида наср бўйича раис лавозимида фаолият юритган. Мехрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёш иқтидор соҳибларига устоз бўлган.

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожи олдидағи хизматлари давлат томонидан муносиб равишда баҳоланиб, Пиримқул Қодиров “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” ва “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” шарафли унвонларига сазовор бўлган, “Эл-юрт ҳурмати” ҳамда “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган.

Тарихимизнинг туб бурилиш палласи 1991 йил- миллий адабиётимиз учун буюк имтиҳон, сарҳисоб палласи бўлди. Чин

истеъдод, олийжаноб ғоялар нури билан йўғрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримқул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романлари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг улуғ ғояларига хизмат этмоқда.

Истиқлол йилларида адабимиз давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Республика Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринbosари сифатида эл- юрга чин садоқат билан хизмат қилди. Мураккаб ўтиш даврида матбуотдаги чиқишилари, публицистик мақолалари орқали қатъий туриб истиқлол ғояларини ҳимоя қилди. Унинг тарихий ўтмишдан олиб ёзган “Она лочин видоси” романи, “Тил ва эл”, “Амир Темур сиймоси” илмий бадиалари айни шу эзгу ғоялар руҳи билан йўғрилган.

Пиримқул Қодиров икки мингинчи йилларнинг бошларида “Қонун ҳимоясида” журнали таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида фаолият юритган. “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довони” романлари учун материал тўплаб юрган пайтида у темурийлар тарихини чуқур тадқиқ этган ва “Қонун ҳимоясида” журналининг 2005 йилдаги иккинчи сони саҳифаланаётганда “Амур Темур қаҳрамонлиги” илмий бадиасининг биринчи боби тайёр бўлди. Дарҳол чоп этишга берилди. Шу таҳлит адаб ўзига хос ижодий интизом билан ҳар ойнинг белгиланган санасида 25-35 бетлик қўлёzmани таҳририятга етказиб турди.

Пиримқул Қодиров диёrimизда яшаб, илм-фан тараққиётига ҳисса қўшган олимларимиз ҳақида ҳам қалдан жўшиб ёзган. Жумладан, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳхор ижоди ва уларнинг шахс сифатидаги инсоний гўзал фазилатларини очиб беради.

Адаб Ўзбекистон мустақиллик остонасида қандай синовларни бошидан кечирганини ўз кўзи билан кўрган, таъбир жоиз бўлса, ўша даврда масъул лавозимларда фаолият юритиб, кўп хайрли ишларда иштирок этган. Шул боис, ўша кезларда матбуотда кўп

бора такрорланиб турган “Аввал Ватан! Аввал халқ, миллат!” каби оташин сўзлар ҳақида мушоҳада юритар экан, шундай ёзади:

“Ана шу қалб хитоби таъсирида ватанпарвар одам дилидаги миллий манзилга зиён етказмасликка интилади. Бунинг учун гоҳо иззат- нафсдан ёки шахсий манфаатдан воз кечади, низо йўлидан қайтиб муросага келади. Шу тарзда миллатнинг ички бирлиги таъмин этилади. Ахир ҳар биримиз яқинларимизга меҳр-оқибатли бўлишимиз керак-ку! Ана шунда дилимиздаги миллий манзиллар бир-бирига тулашиб, енгилмас кучга айланади”. Бундай мисолларга бой бу асар том маънода инсонни эзгуликка, она Ватанни севишга, аждодларга юксак эҳтиромда бўлишга даъват этади. Ўзининг тинимсиз изланишлари орқали дунёга келтирган асарлари ортидан, ўзбек ўқувчиларининг юрагига кириб бора олган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров 2010 йил 20 декабрь куни ҳаётдан кўз юмди.



Замондошлари ёзувчи ҳақида

Пиримқул Қодиров - ўзбек адабиётининг олға силжишида ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшган қалам эгаси эди. Унинг тарихий асарлари адабиётимизнинг хазинасини бир неча баробарга қўпайтира олди. Айнан унинг асарлари сабаб ўзбек ўқувчиси бобурийлар сулоласини яқиндан таний олди.

Ёзувчи: Саъдулла Сиёев

Пиримқул Қодиров ўзбек адабиёти осмонини тираб турган устунлардан бири эди. Талабалик йилларида уларнинг китобларини кўзларимизга суртиб ўқигандик, ўргангандик. Пиримқул Қодиров адабиётда ўчмас из қолдиргани шубҳасиз.

Ёзувчи: Анвар Намозов

Пиримқул Қодировни мен забардаст адиб, ўзбек адабиётининг эхроми деб биламан. Унинг сиймосида ижод мешнати ва чек-чегарасиз изланишлар, ёзувчиликнинг оғир меҳнати ва албатта, улкан ғалабалар мужассамдир. Албатта, ҳар бир даврнинг, умрнинг чегараси бор. Бироқ, инсон ўзи яратган ижод кемасини тарк этгани билан бу кема сафардан тўхтамайди.

Ёзувчи: Азамат Қоржовов

ЁЗУВЧИННИГ АСОСИЙ АСАРЛАРИ

1. Қодиров, П. Қадрим : повесть / П. Қодиров. – Тошкент : Ўзбабийнашр, 1961.– 132 б.
2. Қодиров, П. Эрк : қисса ва ҳикоялар] / П. Қодиров. – Тошкент: F. Фулом, 1970– 272 б.
3. Қодиров, П. Яйра институтга кирмоқчи : роман]/ П. Қодиров. – Тошкент : Ёш гвардия, 1979. – 134 б.
4. Қодиров, П. Уч илдиз: роман / П. Қодиров. – Тошкент: Ёш гвардия , 1979. – 444 Б.
- 5 . Қодиров, П. Қора кўзлар : роман / П. Қодиров. – Тошкент : Ўқитувчи нашриёти, 1983. – 288 б.
6. Қодиров, П. Мерос : қисса / П. Қодиров. – Тошкент : Ёш гвардия, 1987. – 176 б.
7. Қодиров, П. Акрамнинг саргузашлари: қисса / П. Қодиров. – Тошкент : Ёш гвардия, 1988. – 320 б.
8. Қодиров, П. Олмос камар : роман / П. Қодиров. – Тошкент : Ўқитувчи, 1992. – 384 б.
9. Қодиров, П. Ботирлар ва баҳиллар: қиссалар ва ҳикоялар / П. Қодиров. – Тошкент : Чўлпон нашриёти, 1994. – 256 б.
10. Қодиров, П. Ҳумоюн ва Ақбар : тарихий роман / П. Қодиров. – Тошкент : Шарқ нашриёти, 1997. – 608 б.
11. Қодиров, П. Юлдузли тунлар : тарихий роман / П. Қодиров. – Тошкент : Ўзбекистон нашриёти, 1999. – 542 б.
12. Қодиров, П. Мардлик : тарихий ҳикоя / П. Қодиров. – Андижон : Ҳаёт нашриёти, 2000. – 250 б.

13. Қодиров, П. Қалб кўзлари : [бадиалар, ўйлар, эсталиклар] / П. Қодиров. – Тошкент : Маънавият, 2001. – 160 б.

14. Қодиров, П. Она лочин нидоси: [тарихий роман] / П. Қодиров. – Тошкент : Шарқ нашриёти, 2001. – 240 б.

15. Қодиров, П. Тил ва эл: темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари / П. Қодиров. – Тошкент: F.Ғулом нашриёти, 2005. – 248 б.

16. Қодиров, П. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод : тарихий роман / П. Қодиров; Мұхаррир Л. Игамов. – Тошкент : Ўзбекистон нашриёти, 2009. – 256 б.

17. Қодиров, П. Илинж: қисса ва ҳикоя / П. Қодиров; мұхаррир М.Махмудова. – Тошкент : Янги аср авлоди нашриёти, 2017. – 144 б.

ЁЗУВЧИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА:

1. Жузжоуний, А. Тарихий романлар муаллифи : [П. Қодиров хақида] / А. Жузжоний // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993. – 30 июль.

2. Сатторов, Ў. Шоҳ ва шоир талқини : [П. Қодировни “Юлдузли тунлар” романы мисолида] / Ў. Сатторов // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. – № 6. – Б. 42–44.

3. Умиров, С. Сўз мулкига саёҳат : [П. Қодировнинг “Тил ва эл” китоби хақида] / С. Умиров // Маърифат . – 2007. – 10 февр.

4. Ҳайит, Тўлқин. Қояни уйғотган садо : [П. Қодиров хақида] / Тўлқин Ҳайит// Китоб дунёси. – 2008. – № 10. – Б. 3.

5. Ҳазратқұлов, Ж. Улугини улуғлаган әл : [П. Қодиров хақида] /Ж. Ҳазратқұлов // Ишонч. – 2008. –11 сент.
6. Қодиров, П. Асарларимни меҳр билан ёзғанман : [П.Қодиров билан сұхбат; сұхбатдош А. Умиров] / Пиримқул Қодиров // Ҳуррият. –2008. –1 янв.
7. Мирзаев, С. Насримизнинг катта устаси : [Пиримқул Қодиров 80 ёшда] / С. Мирзаев // Шарқ юлдوزи. –2008. – № 4. – Б. 136– 139.
8. Кўчимов, А. Дилкаш лаҳзалар : [Адиб П.Қодиров ижоди] / А. Кўчимов // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . –2008– 1 февр.
9. Норматов, У. Куй таровати, тасвир латофати / У. Норматов // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – 2008. –1 янв.
10. Абдураззақов, А. Пиримқул Қодиров ҳақида сўз / А.Абдураззақов // Ишонч. –2009. – 22 янв.
- 11.Камол, Собир. “Дабдабали тўй сабаб сургун бўлгандиник” : [П. Қодиров билан сұхбат] / Собир Камол // Даракчи. – 2009. – № 43. – Б. 16 – 17.
12. Карисов, С. Ўзбек адабиётида катта жудолик / С. Каримов // 7x7 . – 2011. – 6 янв.
13. Носирова, К. Адибни эслаб... / К. Носирова // Тасвир. – 2011. – 6 янв.
14. Норматов, У. Эзгуликка, тарих ҳақиқатига садоқат : [адиб таваллудининг 85 йиллиги] / У. Норматов // Тил ва адабиёт таълими. – 2013. – № 12 . – Б. 26–29.

15. Эшбек, Т. Боқий боғлар / Т. Эшбек // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2014. – 14 февр.

16. Қосимов, И. Адиб сабоқлари : [П. Қодиров ижодий фаолиуати] / И.Қосимов // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2015. – 14 авг.

17. Абдураззақов, А. Қадри баланд қадрият / А. Абдураззақов . – 2016. – 9 апр.

18. Қодиров, Хуршид. Атоқли адиб ёди / Хуршид Қодиров // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. –2017. – 1 сент.

19. Эшбек, Т. Адиб мероси – маънавий хазина / Т. Эшбек // O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2018. – 29 июнь.

20.Усмонова, А. Адибнинг қалб кўзлари : [Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров таваллудининг 90 йиллиги олдидан] / А.Усмонова // Гулистон. – 2018. – №. 1. – Б. 23.

21. Бахриев, К. Пиримқул Қодиров : “Гуруҳбозлар бугун ҳам кўп, лекин вақти келиб, буларнинг ҳам ҳақиқий қиёфаси очилади” / Карим Бахриев // Darakchi. – 2020. – № 22. – Б. 34.

22. Бўронова, Б. Адибни хотирлаб / Барно Бўронова // O'zbekiston adabiyoti va san'ati . – 2023. – 18 авг. – Б. 1.

Тузувчи : АБХ бош библиографи
М. Мустакимова